

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**Республикада тунги иқтисодиётни ривожлантириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатда тунги иқтисодиётни ривожлантириш орқали аҳоли ва туристлар учун қулайликлар яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш ва янги иш ўринларини кўпайтириш, тунги иқтисодиёт субъектлари иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобини юритиш, туну-кун фаолият олиб борувчи кўча ва ҳудудларни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида қарор қиласман:

**I. Мақсадлар**

**1. 2025-2030 йилларда мамлакатимизда тунги иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қўйидагилар белгилансин:**

- (а) туну-кун фаолият кўрсатувчи кўчалар (ҳудудлар) сонини **320** тага етказиш;**
- (б) туну-кун фаолият кўрсатувчи кафе ва ресторанлар сонини **8 мингтага** етказиш;**
- (в) туну-кун фаолият кўрсатувчи савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари сонини **14,2 мингтага** етказиш;**
- (г) туну-кун фаолият кўрсатувчи кўчалар (ҳудудлар)да **755** та автотураргоҳлар ташкил этиш;**
- (д) туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча (ҳудуд)ларда ташкил этиладиган савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида **11,3 мингта** янги иш ўринлари яратиш.**
- (е) тунда фаолият юритадиган туристик обьектлар ва маданий тадбирларни ривожлантириш орқали **190** мингта маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш.**

## **II. Тунги иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

### **2. Қўйидагилар:**

- (а)** Ўзбекистонда тунги иқтисодиётни ривожлантириш **концепцияси** 1-иловага мувофиқ;
- (б)** концепцияни амалга ошириш бўйича “**йўл ҳаритаси**” 2-иловага мувофиқ;
- (в)** тунги иқтисодиётни ривожлантириш бўйича 2025-2030 йилларга мўлжалланган **мақсадли кўрсаткичлар** 3-иловага мувофиқ;
- (г)** Тунги иқтисодиётни ривожлантириш бўйича **республика кенгаши** (кейинги ўринларда – Республика кенгаши) таркиби 4-иловага мувофиқ;
- (д)** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча ва **ҳудудлар рўйхати** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### **3. Қўйидагилар тунги иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида белгилансин:**

- (а) Тунги иқтисодиётни кўча ва ҳудудларда **жадал ривожлантириш йўналишида**:
  - (i) тунги иқтисодиёт субъектлари фаолияти учун зарур инфратузилма яратилади;
  - (ii) савдо, хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар соҳаларнинг тунги вақтда ҳам тўсиқсиз фаолият кўрсатиши кафолатланади;
  - (iii) тунги вақтда фаолият олиб борувчи кўча ва ҳудудларда хавфсизлик чоралари таъминланади;
  - (iv) туристик жозибадорликни ошириш мақсадида тунги маданий ва кўнгилочар тадбирлар йўлга қўйилади;
  - (v) тунги иқтисодиёт жадал ривожлантириладиган ҳудудларга тўғридан-тўғри ва давлат-хусусий шериклик асосида сармоялар жалб қилинади;
- (б) Тунги вақтда фаолият юритувчи тадбиркорларни **қўллаб-қувватлаш йўналишида**:
  - (i) тунги вақтда фаолият юритувчи корхоналарни давлат томонидан ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилади;

- (ii) гастрономик, кўнгилочар ва туризм соҳаларида ишлайдиган тадбиркорлик субъектлари учун тўланган солиқнинг бир қисмини қайтариб бериш (кешбек) тизими кенгайтирилади;
  - (iii) тунги вақтда фаолият юритадиган савдо, хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар обьектларини ривожлантиришга хизмат қиладиган янги турдаги кредитлар тақдим этилади;
  - (iv) маҳаллий банклар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳсус кредит линияларини очиш чоралари белгиланади;
- (в) Тунги иқтисодиётни ривожлантириш мақсадли кўрсаткичларининг бажарилишини таҳлил қилиш йўналишида:**
- (i) туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча ва ҳудудларга ташриф буюрувчи хорижий туристлар ва маҳаллий аҳоли сонининг ортиши ўрганиб борилади;
  - (ii) тунги вақтда фаолият юритувчи корхоналарнинг даромадлари ва ходимлар сони ошиши ҳисоботи юритилади;
  - (iii) аҳоли ва тунги вақтда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўртасида мунтазам сўровномалар ўтказилади;
  - (iv) онлайн назорат-касса машиналари, тўлов тизимлари, маркетплейслар ва бошқа онлайн платформалар маълумотлари ўрнатилган тартибда интеграция қилинади.

### **III. Тунги иқтисодиётни ривожлантириш учун молиявий ресурслар**

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сон қарорига мувофиқ 2025 йилда драйвер лойиҳалар, жумладан **154 та туну-кун фаолият юритадиган туризм ва гастрономик йўналишларга ихтисослашган савдо ва кўнгилочар кўчалар ташкил этиш** учун **1 триллион сўм** маблағ йўналтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.**

**5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ташкил этилаётган туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча (ҳудуд)ларга товар белгиси маҳаллий брендга айланган тадбиркорлик субъектларини жалб этиш ва уларнинг фаолиятини кенгайишини қўллаб-қувватлаш мақсадида **2025 йил 1 сентябрдан** бошлаб **“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”** АЖ томонидан қўйидаги молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари йўлга қўйилсин:**

**(а)** маҳаллий брендга эга тадбиркорлик субъектлари томонидан туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча ва ҳудудларда ўз филиалини очиш учун битта филиал камида:

**5 та янги иш ўрни яратган тақдирда 1 миллиард сўмгача;**

**10 та янги иш ўрни яратган тақдирда 5 миллиард сўмгача;**

**15 та янги иш ўрни яратган тақдирда 10 миллиард сўмгача;**

**20 та** янги иш ўрни яратган тақдирда **15 миллиард** сўмгача ажратилган кредитлар бўйича фоизли харажатнинг Марказий банк асосий ставкасидан **4,5 фоизлик** пункт юқори ва асосий ставканинг **1,75 бараваридан** ошмаган ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича асосий ставканинг **25 фоизигача** миқдорда **уч йилдан** ортиқ бўлмаган муддатга компенсация тақдим этилади;

**(б)** ҳудудларда филиал очиш истагини билдирган маҳаллий бренд эгаларига янги ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг ярмини, бироқ бир нафар ходим учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **5 барабаридан** ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

**(в)** маҳаллий бренд эгалари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга (ишлар, хизматлар) сифат даражасини англатувчи миллий сертификатларни олиш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ, халқаро тан олинган сертификатларни **З минг АҚШ долларидан** ошмаган қисми қоплаб берилади.

**6. 2025 йил 1 сентябрдан** туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча ва ҳудудлардаги хизмат кўрсатиш, савдо ва кўнгилочар обьектларга тегишли ташқи реклама, ахборот конструкциялари (видеоэкранлар, электрон дисплейлар, медиафасад ва бошқа техник воситалар), иллюминациялар ва лампалар шодаси учун фойдаланилган электр энергияси учун белгиланган **тариф коэффициенти** **3 баравардан 1,5 бараварга пасайтирилсин.**

#### **IV. Тунги иқтисодиётни ривожлантириш учун ташкилий чора-тадбирлар**

**7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Туризм қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг туну-кун фаолият кўрсатувчи кўчалар учун қуийидаги минимал талабларни белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:**

- (а) туну-күн фаолият кўрсатувчи кўча ёки ҳудудлар вилоят ва туман марказларида, аҳоли сони **50 мингдан ошган** шаҳарларда, аҳоли ва туристлар ташрифи кузатиладиган гавжум ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тунги вақтда фаолият кўрсатиш истаги билдирилган кўча ёки ҳудудларда ташкил этилади;
- (б) туну-күн фаолият кўрсатадиган кўчанинг узунлиги ўртача 800 метрдан 2000 метргача оралиқда бўлиши лозим;
- (в) тадбиркорлик субъектлари учун **ноодатий** (жума, шанба ва якшанба кунлари соат 06.00 дан 06.00 гача) ва **кенгайтирилган** (ҳар куни соат 09.00 дан 03.00 гача) вақт режимида фаолият кўрсатиши учун етарли инфратузилма шакллантирилади;
- (г) туну-күн фаолият кўрсатадиган кўчалар ва ҳудудларда жойлашган тадбиркорлик субъектларига ўзларига туташ ҳудудлардаги ер майдонлари енгил конструкцияли қурилмалар (соябонлар, ўтириш жойлари) ўрнатиш учун электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага берилади;
- (д) автомобиль ҳаракатланадиган кўчаларда транспорт воситаларининг тезлиги **20 км/соатгача чекланади**;
- (е) туну-күн фаолият кўрсатадиган кўчаларда фавқулодда ҳолат, тез тиббий ёрдам хизматлари, хавфсизлик чораларини таъминлаш учун маҳсус жойлар ажратилади ҳамда «хавфсизлик чақирув тугмалари» ўрнатилади;
- (ё) телекоммуникация (жумладан вай-фай), банк-молия хизматлари йўлга қўйилади;
- (ж) ташриф буюрувчиларнинг автотранспорт воситаларини сақлаш учун аниқ белгиланган автотураргоҳ (парковка, жумладан кўп қаватли) бўлиши талаб қилинади;
- (з) галереялар, музейлар ва кинотеатрлар, ҳамда спорт майдончалари, соғломлаштириш марказлари, киберспорт ва фитнес клублар иш вақти узайтирилади;
- (и) ободонлаштириш, тозалик ва жамоат хизматлари йўлга қўйилиши лозим.

Тунги иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (Ж.Қўчқоров) икки ой муддатда ҳудудларда **туну-күн фаолият кўрсатувчи кўчалар (ҳудудлар) ташкил этиш учун юқоридаги минимал талаблар ва мезонларни инобатга олган Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.**

**8.** Тошкент шаҳри туманлари, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари ҳокимликлари тузилмасида “**тунги иқтисодиёт менежери**” лавозими жорий этилсин.

- (а) **Тунги иқтисодиёт менежери** лавозими шаҳар (туман) ҳокими ўринбосари лавозимига тенглаштирилади ва улар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва иш ҳақи миқдори татбиқ этилади;
- (б) “**Тунги иқтисодиёт менежери**” лавозимини жорий этиш учун талаб этиладиган 25 та штат бирлиги вазирлик ва идоралар бошқарув ходимлари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан жорий қилинади;
- (в) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой** муддатда тегишли тузилмалар штат бирликларини мазкур қарор талабларига мувофиқлаштиурсин.

**9. Тунги иқтисодиёт менежери** қўйидагилар учун масъул этиб белгиланади:

- (а) ташкил этиладиган туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча ёки ҳудуднинг мастер-режасини ишлаб чиқиш ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун зарур инфратузilmани яратиш;
- (б) тадбиркорлик субъектларининг тунги вақтда тўсиқсиз фаолият юритишини таъминлаш;
- (в) тунги иқтисодиётга ихтисослашган кўча ва ҳудудларда аҳоли ва туристлар оқимини кўпайтириш;
- (г) туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча ва ҳудудларда оммавий-маданий тадбирлар, фестиваль ва концертлар ташкиллаштириш;
- (д) туну-кун фаолият кўрсатадиган кўча ва ҳудудларда хавфсизлик, коммунал, банк-молия ва бошқа хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

Тошкент шаҳри туманлари, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларидан ташқари республиканинг бошқа ҳудудларида “**тунги иқтисодиёт менежери**”нинг функционал вазифалари шаҳар (туман) ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига юклатилади.

**10. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия уч ой муддатда:**

- (а) мавжуд штат бирликлари доирасида тунги иқтисодиётга ихтисослашган кўча ва ҳудудларда аҳоли ва туристлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тунги патруллар отрядини ташкил қилсин ҳамда уларнинг туну-кун фаолият кўрсатишини таъминласин.
- (б) “Ўзбекистонда тунги иқтисодиётни ривожлантириш” ва “Хавфсиз шаҳар” концепциялари доирасида туну-кун фаолият кўрсатувчи кўчалар бўйлаб, шунингдек, кўчадаги мавжуд обьектларнинг ташки ва ички қисмига тасвирни камидан **30 кун** давомида сақлаш имконини берувчи ҳамда шахсни юзидан таниб оладиган видеокузатув тизимларини жорий қилсин ва «Хавфсиз шаҳар» концепциясига интеграция қилсин.

**11. Белгилансинки, туну кун фаолият кўрсатувчи кўчалар ва ҳудудларда яшовчи аҳоли саломатлигига зарарли таъсирларни олдини олиш мақсадида:**

- (а) тадбиркорлик субъектлари соат 06:00дан 23:00га қадар ҳамда соат 23:00дан 06:00га қадар бўлган вақт оралиғида шовқиннинг белгиланган меъёрларига риоя қиласи;
- (б) умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш обьектлари товуш ўтказмайдиган тарзда жиҳозланади ва тунги вақтда мусиқа ва товуш кучайтиргич асбоб-ускуналаридан аҳолининг тинчлигини бузмаган ҳолда фойдаланилади;
- (в) обьектларни ёнғин ўчириш воситалари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар тўпламига эга тиббий ёрдам қутичалари билан таъминланади;
- (г) бинонинг барча учун кўринарли жойларида ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда ҳаракатланиш ва фуқароларни эвакуация қилиш чизмаси ҳамда тезкор ва қутқарув хизматларининг телефон рақамлари экс эттирилган маълумотлар акс эттирилади.

**12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри туманлари ҳамда Нукус шаҳри ва вилоят марказларининг 5-иловага мувофиқ туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча ва ҳудудларини очиқ танлов ўтказиш йўли билан **бошқарув-сервис компанияларига бириктириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.****

**Бошқарув-сервис компаниялари** туну-күн фаолият күрсатувчи күчалардаги мулкдорлар билан шартнома асосида:

- (а) умумий мол-мулкни бошқариш, лозим даражада сақлаш, техник хизмат күрсатиш ва уни таъмирлаш;
- (б) туну-күн фаолият күрсатувчи күчалар ва үнга ёндош ҳудудларни ободонлаштириш чораларини кўриш;
- (в) коммунал хизматлар (тозалаш, чиқиндиларни олиб чиқиш ва сервис ваколатига кирувчи бошқа зарур хизматлар) күрсатиш;
- (г) техник узилиш ҳолатларида (газ, сув, электр, канализация ва бошқа) зудлик билан шаҳар (туман) авариявий хавфсизлик хизматлари билан ҳамкорликда муаммони бартараф қилиш;
- (д) ҳудудда фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектларининг кундалик масалалари бўйича мурожаатларини ҳал қилиш вазифаларини бажаради.

**13.** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргалиқда **бир ой** муддатда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тадбиркорларнинг тунги фаолияти ҳажмини ҳисобга олган ҳолда мослашувчан **иш ҳақи ставкаларини жорий этсин**.

**14.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги, буюртмачилар билан биргалиқда ишлаб чиқилаётган ахоли пунктларининг бош режаларда ва мастер режаларда туну-күн фаолият кўрсатадиган кўча ва ҳудудларни **функционал ҳудудлар тоифасига** киритсин ва **жамоатчиликка эълон қилсин**.

**15.** Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда туну-күн фаолият кўрсатадиган кўча ва ҳудудларда:

- (а) давлат ва **муниципал мулкларини** тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш ва сотиш учун аукцион савдоларига чиқарсин;
- (б) хизмат кўрсатиш обьектларини қуриш учун мўлжалланган ер участкаларини **24/7 тартибда** фаолият кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш шарти билан аукцион савдоларига қўйиш чораларини кўрсин.

**16.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги Туризм қўмитаси ҳамда Транспорт вазирлиги билан биргалиқда **2025 йил 1 октябрга қадар “Тунги шаҳар” электрон платформасини ишлаб чиқсин ва ишга туширсин.**

Платформада республика ҳудудида тунда фаолият олиб борувчи масканлар (кафе, ресторан, музей, спорт мажмуалари, соғломлаштириш марказлари ва бошқа дам олиш масканлари), тунги жамоат транспорти (автобуслар) йўналишлари, маҳсус арzonлаштирилган таклифлар ҳақида маълумот олиш имкони яратилсин.

**17. Транспорт вазирлиги** Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргалиқда туну-кун фаолият кўрсатувчи кўча ва ҳудудларни аэропорт ҳамда авто ва темир йўл вокзаллари билан боғловчи, шаҳар кўчалари бўйлаб тунги вақтларда (22.00 дан 03.00 гача) ҳаракатланадиган жамоат транспорти (автобуслар) ҳаракатини йўлга қўйсин.

**18.** Тунги иқтисодиёт жадал ривожлантириладиган ҳудудларда **2025 йил 31 декабрга қадар:**

- (а) Тошкент шаҳар ҳокимлиги** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргалиқда **каршеринг** миллий платформасини яратсин ҳамда пилот шаклида Тошкент шаҳрининг туристлар оқими кўп бўлган **З та** туманида (Миробод, Юнусобод, Яккасарой) ишга туширсин;
- (б) Тошкент шаҳар ҳокимлиги давлат-хусусий шериклик шартларида** Тошкент шаҳрида пилот шаклида автомат **велошеринг** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва ишга туширсин;
- (в) Соғлиқни сақлаш вазирлиги** кўчма мобил клиникалар фаолиятини йўлга қўйсин;
- (г) Маданият вазирлиги** тунги концертлар, фестиваллар ва театр намойишларини ташкил этиш ҳамда халқаро медиа компаниялар билан ҳамкорликда халқаро концертлар ва маданий тадбирларга жаҳон эстрадаси вакилларини таклиф қилиш бўйича ҳар йиллик дастур ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Бунда, мазкур тадбирлар билан боғлиқ харажатлар Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

**19.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент Фармацевтика институтини Тошкент вилоятида жойлашган “Tashkent

Pharma Park” ҳудудига кўчирган ҳолда, бўшаган ер майдонида **1 000 ўринлик автотураргоҳ қуриб**, давлат тасарруфига ўтказиш мажбурияти билан замонавий **5 юлдузли меҳмонхона** барпо этиш таклифига розилик берилсин.

#### **V. Тарғибот ишлари.**

**20.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Туризм қўмитаси, Маданият вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда **бир ой муддатда** тунги иқтисодиётни ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлик қилиш ва тажрибалар алмашиш мақсадида ҳар йили “**Тунги иқтисодиёт**” форумини ўтказиш графигини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

- (а)** биринчи форумни шаклланган амалиёт ва вилоятлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, ўзаро ҳамкорликда Тошкент шаҳри Миробод туманида ўтказиш;
- (б)** форум давомида тадбиркорларнинг ўзаро мулоқоти ва ҳамкорлик муносабатларини таъминланишига шароит яратиш;
- (в)** форумда тунги иқтисодиётни ривожлантириш бўйича тақдим этилган энг яхши илғор тажрибаларни бутун республика бўйлаб босқичмабосқич жорий қилиш;
- (г)** республикадаги барча тунги иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган тажрибаларни жамлаб бориш ва уларнинг очиқ порталини яратиш мақсадида маҳсус электрон смартека платформасини жорий қилиш белгилаб қўйилсин.

**21.** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги Маданият вазирлиги ва Туризм қўмитаси билан биргалиқда ҳар йили тунги иқтисодиёт тартиби жорий этилган энг яхши ҳудудлардаги ташриф буюрувчиларга яратилган шароит ва ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида маълумотларни дунёга машҳур халқаро медиа платформаларида жойлаштиrsин.

**22.** Савдо-саноат палатаси ҳар чорақда:

- (а)** бизнес эгаларига тунги иқтисодиёт талабларига мослашишга ёрдам бериш мақсадида тренинглар ва семинарлар ташкил этсин;
- (б)** фаолияти тунги иқтисодиётга ихтисослашган тадбиркорлар ўртасида фикр ва мулоҳазалар алмашиш учун мунтазам учрашувлар ўтказиб борсин ва мавжуд муаммолар ечими юзасидан ўз таклифларини киритиб борсин;
- (в)** нодавлат жамоат ташкилотлари билан биргалиқда тунги иқтисодиёт тартиби жорий этилган ҳудудлар рейтингини эълон қилиб борсин

ҳамда юқори кўрсаткичга эришган ҳудудлардаги тадбиркорлар ва масъулларни рағбатлантиришни йўлга қўйсин.

**23.** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги тунги иқтисодиётни ривожлантириш бўйича мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил қилсин.

#### **VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

**24.** Миллий статистика қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солик қўмитаси билан биргаликда тунги иқтисодиёт ҳолати, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўрсаткичлари, ҳудудлар ва хизматлар турлари кесимида ҳисоботларни жорий қилсин. Бунда:

- (а)** тунги иқтисодиёт режими жорий қилинган кўча ва ҳудудларга ташриф буюрувчиларнинг йиллик ўртача сони;
- (б)** тунги иқтисодиёт субъектлари сони ва уларнинг ўсиш кўрсаткичлари;
- (в)** хорижий ва маҳаллий брендларнинг филиалларини ташкил этиш кўрсаткичлари;
- (г)** кўрсатилаётган хизматлар кесимида тадбиркорлик субъектлари даромадлари миқдори ва ўсиш кўрсаткичлари;
- (д)** тунги иқтисодиёт субъектлари томонидан тўланаётган солиқлар динамикаси ва улардаги ишчи-ходимлар сони ўсиши бўйича ҳудудлар кесимида чораклик ва йиллик кўрсаткичлар, таҳлилий шарҳлар эълон қилиб борсин.

**25.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой** муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**26.** Республика Кенгashi мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилсин ва ҳар чорақда бажарилган ишлар бўйича ҳисоботларни юритсин.

**27.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**Ш.Мирзиёев**